

# Ўзбекистонда стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) миллий тизимини жорий қилиш учун мавжуд ва зарур бўлган миллий имкониятларни таҳлил қилиш натижалари

Онлайн семинар, 8-июнь 2021-йил

*Martin Smutny*  
*EXXТнинг халқаро маслаҳатчиси*



# Эҳтиёжларни баҳолаш – мақсадлар

- Ўзбекистондаги экологик баҳолаш тизимининг ҳозирги ҳолатини ва ушбу тизимни режалар ва дастурлар лойиҳаларида қўллашдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- СЭБ тўғрисидаги Протокол ва Европа Иттифоқининг СЭБ тўғрисидаги Директиваси нуқтаи назаридан мавжуд бўлган экологик баҳолаш миллий тизимидаги бўшлиқларни аниқлаш;
- СЭБ жараёнларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;
- Асосий манфаатдор гуруҳларнинг СЭБни амалга оширишга бўлган эҳтиёжларини, шунингдек, СЭБ миллий тизимини жорий этиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган устувор йўналишларни ва аниқ ҳаракатларни аниқлаш;
- Асосий мақсадли гуруҳларни аниқлаш ва СЭБ бўйича салоҳиятни ошириш ва хабардорликни ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш учун мақсадли йўналишни аниқлаш.

# Эҳтиёжларни баҳолаш – ёндашув

- Германияга ўқув сафари иштирокчилари ўртасида анкета сўрови (саволларни такомиллаштириш учун анкета сўрови лойиҳасига дастлабки жавобан чора бўлиб хизмат қилган);
- Электрон почта орқали бошқа тегишли миллий манфаатдор томонлар ўртасида анкета сўрови (2020-йил апрель – июнь);
- Анкетани тўлдирган респондентлар билан танланган мавзуларни муҳокама қилиш учун онлайн суҳбатлар (2020-йил ноябрь – декабрь);
- Ўзбекистондаги мавжуд режалаштириш схемаларини кўриб чиқиш ва тегишли режалар, дастурлар ва бошқа ҳукумат стратегик ҳужжатлари учун СЭБ зарурлигини аниқлаш;
- Мавжуд вазиятни амалдаги СЭБ тизимининг асосий элементларига нисбатан таққослаш;

# Амалдаги СЭБ тизимининг асосий элементлари

- СЭБ тўғрисидаги қонунчилик амал қилиши ва СЭБ тўғрисидаги Протоколга мувофиқлаштирилиши;
- СЭБ процессуал босқичлари муносиб шакллантирилиш ва амалда рия қилиниши;
- Режалаштириш, экологик муҳофаза ва соғлиқни сақлаш органлари, қарор қабул қилувчи тузилмалар:
  - СЭБ билан боғлиқ масъулият ва вазифалардан хабардор;
  - Ушбу вазифаларни бажариш учун етарли имкониятларга эга;
  - СЭБни амалга ошириш учун тегишли молиявий маблағларни ажратадилар;
- Аҳоли СЭБ жараёнида қатнашиш имкониятлари тўғрисида хабардор;
- СЭБ амалга оширишга қодир амалиётчилар/экспертларнинг мавжудлиги;
- Тегишли усуллар ва услубларнинг маълумлиги ва қўлланилиши;
- Сифатни бошқариш тизими яратилиши ва амалга оширилиши;
- СЭБ жараёнлари тўғрисида маълумот алмашишни таъминлайдиган механизм/платформанинг мавжудлиги.

# Мавжуд муаммолар

- Лойиҳа ишлаб чиқувчилари ёки қарор қабул қилувчи тузилмалар ўртасида экологик баҳолаш бўйича хабардорлик даражасининг пастлиги;
- Атроф-муҳит ва соғлиқ тўғрисидаги ахборот ва маълумотларнинг етишмаслиги;
- Экологик баҳолаш тартиб-таомилларини мувофиқлаштириш бўйича ҳукумат органларида имкониятларнинг етишмаслиги;
- Заиф мониторинг ва лойиҳадан кейинги таҳлил схемалари;
- Экологик баҳолашни амалга ошириш учун маблағ етишмаслиги;
- Етарли даражада бўлмаган қонунчилик базаси;
- Экологик баҳолаш бўйича миллий тармоғи ёки экспертлар бирлашмасининг йўқлиги;
- Тегишли экологик баҳолашни амалга ошириш бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги;
- Процессуал босқичларнинг, шунингдек асосий қатнашчи тузилмалар вазифалари ва масъулиятларининг ноаниқлиги.

# СЭБ учун ҳуқуқий асос

- Ҳозирги кунда Ўзбекистонда СЭБ бўйича қабул қилинган миллий қонунчилик мавжуд эмас
- Стратегик ҳужжатлар бўйича давлат экологик экспертизаси кўп ҳолларда ўтказилмайди
- Протоколга мувофиқ миллий СЭБ тизимини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари лойиҳалари мавжуд:
  - Экологик экспертиза тўғрисида янги қонун лойиҳаси;
  - Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси
- Кучга киргандан сўнг, мамлакатда СЭБни амалга ошириш учун етарли асос яратади

# СЭБ процедуралари босқичлари

- СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳасида қуйидаги процессуал босқичлар кўрсатилган:
  - Дастлабки баҳолаш;
  - СЭБ ҳисоботи (шу жумладан, доирасини аниқлаш);
  - Манфаатдор давлат идоралари билан маслаҳатлашувлар;
  - Жамоатчилик иштироки;
  - Трансчегаравий консультациялар;
  - СЭБ натижаларини ҳисобга олиш;
  - Мониторинг
- Юқоридаги босқичлар СЭБ тўғрисидаги Протоколда кўрсатилган босқичларни муносиб равишда акс эттиради
- Миқёсни аниқлаш босқичи аниқ белгиланмаган, қўшимча изоҳлар керак бўлиши мумкин

# Режалаштириш органларининг СЭБ бўйича хабардорлиги ва имкониятлари

- Ўтказилган сўровда режалаштириш органларининг жавоблари келтирилмаган
- Бошқа респондентларнинг фикрларига кўра, СЭБ тўғрисидаги чекланган хабардорлик ва давлат органларининг СЭБни мувофиқлаштиришга тегишли имкониятлари муаммо бўлиши мумкин (қийинчилик сифатида кўриладиган давлат ходимлари қўнимсизлиги даражасининг юқорилиги)
- СЭБни жорий этиш йўлида бюджет жиҳатлари жиддий муаммо сифатида қаралмайди ... аммо бошқа мамлакатлар тажрибаси аксини кўрсатади



# СЭБ бўйича хабардорлик ҳамда экологик ва соғлиқни сақлаш органларининг имкониятлари

- Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг СЭБ билан ишлаш тажрибаси (камдан-кам стратегик ҳужжатлар учун)
- СЭБ ҳақида маълум даражада хабардорлик мавжуд, аммо уни қўллаш бўйича амалий тажриба йўқ (Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам тегишли)
  - Салоҳиятни янада ошириш жуда муҳимдир
  - Ҳудудий/маҳаллий ҳокимиятларнинг роли муҳокама қилиниши керак

Муассаса/ ташкilot	СЭБга тегишли асосий вазифалар	Бир СЭБ учун зарур киши-кун ҳисоб- китоби
Давлат экологик экспертиза маркази / минтақавий экологик экспертиза марказлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Скрининг қарорини чиқариш</li> <li>• СЭБ ҳисоботи (техник топшириқ) доираси тўғрисида фикр билдириш</li> <li>• СЭБ ҳисоботи бўйича фикр билдириш</li> <li>• СЭБ маълумотлар базасига ёзувларни киритиш</li> </ul>	10 – 15 киши-кун
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>• СЭБ ҳисоботи (техник топшириқ) доираси тўғрисида фикр билдириш</li> <li>• СЭБ ҳисоботи бўйича фикр билдириш</li> </ul>	5 - 10 киши-кун
Режалаштирувчи орган	<ul style="list-style-type: none"> <li>• СЭБ жараёнининг умумий мувофиқлаштирилишини таъминлаш</li> <li>• СЭБ амалиётчилари учун техник топшириқ тайёрлаш ва танлов тартибини ўтказиш</li> <li>• СЭБ ва режалаштириш гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш</li> <li>• Ички сифат назорати таъминланиши</li> <li>• Қўмита ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан алоқа қилиш</li> <li>• Жамият иштирокини мувофиқлаштириш</li> <li>• Стратегик ҳужжатларда СЭБ маълумотларини бирлаштириш</li> <li>• СЭБ реестрига ёзувларни киритиш</li> </ul>	40 – 60 киши-кун

# СЭБга тегишли стратегик ҳужжатлар турлари

- Давлат тараққиёт дастурлари;
- Шаҳар қурилиши ҳужжатларининг ўринларни режалаштириш билан боғлиқ айрим турлари:
  - Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва ҳудуди қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар, шу жумладан
  - Мамлакат минтақаларини ривожлантиришни режалаштириш бўйича ҳужжатлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари ҳудудларини ривожлантириш режаларини тузиш схемалари; туманлар (туманлар гуруҳлари) учун режалаштириш лойиҳалари;
  - Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш бўйича ҳужжатлар (аҳоли пунктларининг бош режалари; шаҳар чегара чизиқлари тўғрисидаги лойиҳалар; аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантиришнинг тармоқ схемалари);
- Моҳиятига кўра дастур ёки режалар сифатида кўриб чиқилиши керак бўлган баъзи бошқа стратегик ҳужжатлар (тушунчалар, ҳаракатлар режалари, тадбирлар ва бошқалар).

# Келгуси СЭБ жараёнларини баҳолаш

- Кейинги йилларда миллий даражадаги бир қатор СЭБлар
  - Ҳаракатлар стратегиясини янгилаш (2021-2022 й.й.),
  - 2022 йилдаги давлат дастурларининг янгиланиши ва
  - 2030 йилгача тармоқ стратегик режалаштириш ҳужжатлари учун янгиланишлар
- СЭБларнинг кўпчилиги суб-миллий даражаларда амалга оширилишини кутиш мумкин – Ўзбекистонда ривожланиш дастурлари ва ер режалаштириш ҳужжатлари мавжуд бўлган ва доимий равишда янгиланиб турадиган 300 дан ортиқ маъмурий-ҳудудий бирликлар мавжуд.
- СЭБ минтақавий даражада қўлланилиши керак, скрининг қўлланилиши эса туман ва шаҳар даражаларида кўриб чиқилиши мумкин.
- Йилига бир неча ўнлаб СЭБлар пайдо бўлишини кутиш мумкин – бу минтақавий СЭБ марказлари ролининг аҳамияти

# СЭБ хабардорлиги ва қарор қабул қилувчи тузилмаларнинг имкониятлари

- Қарор қабул қилувчиларнинг СЭБ билан танишиш бўйича имкониятлари ҳозирги вақтда чекланган
- Лойиҳа ишлаб чиқувчилари ёки қарор қабул қилувчилар ўртасида экологик баҳолаш бўйича паст даражадаги хабардорлик экологик баҳолашни амалга ошириш учун мавжуд бўлган муаммолар орасида сўровда юқори ўринларни эгаллади
- Суҳбат давомида айтиб ўтилганидек, Вазирлар Маҳкамасига СЭБ ва унинг афзалликлари тўғрисида батафсилроқ маълумот берилиши керак.

# СЭБ ҳақида жамоатчилик хабардорлиги

- Қарор қабул қилувчилар каби, ҳозирги пайтда жамоатчилик ҳам СЭБ билан танишиш бўйича чекланган имкониятларга эга.
- Донорлар томонидан молиялаштириладиган Ўзбекистондаги СЭБ бўйича салоҳиятни ошириш тадбирларига асосан режалаштириш идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш идораларининг ҳукумат мулозимлари, баъзи экологик таъсирни баҳолаш (ЭТБ) бўйича амалиётчилар ва жуда кам сонли нодавлат ташкилотлар ва ўқув юртлари вакиллари таклиф этилди.
- Шундай қилиб, СЭБ бўйича процедураларда жамоатчиликнинг иштирок этиш имкониятлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини чекланган деб ҳисоблаш мумкин.
- СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳасида СЭБ босқичлари давомида жамоатчилик муҳокамаси ва мулоҳазалари учун имкониятлар назарда тутилган – жамоатчиликнинг самарали иштироки учун хабардорликни ошириш жуда зарур.

# Амалиётчилар/мутахассисларнинг СЭБни амалга ошириш қобилияти

- Сўров натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда СЭБни доимий равишда ўтказиш учун етарли эксперт салоҳияти бор, мутахассислар қуйидагилар орасидан жалб қилиниши мумкин
  - ЭТБ/OVOS амалиётчилари ёки ЭТБни амалга оширувчи компаниялар
  - Академик/тадқиқот муассасалари
  - Фуқаролик жамияти институтлари
- СЭБ бўйича миллий илмий-тадқиқот институтлари, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича миллий экспертлар ва фуқаролик жамияти ташкилотларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш ва бу СЭБ бўйича муносиб миллий амалиётини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи элементларидан бири сифатида қаралиши керак.
- Оптимал равишда, мутахассислар СЭБ қоидалари лойиҳаси кучга киргунга қадар СЭБ бўйича таълим олишлари ва ўз тармоқларини яратишлари керак.

# Тегишли усуллар ва услублар ҳақида билим ва уларни қўллаш

- Сўровда қатнашганлар СЭБ бўйича мавжуд бўлган директив ҳужжатлари ҳақида хабардор эмас эдилар
- СЭБ бўйича ишлатилиши мумкин бўлган усуллар ва услублар бўйича салоҳиятни ошириш, потенциал СЭБ бўйича пилот лойиҳаларининг бир қисми сифатида талаб қилинади
- Маълумотларнинг мавжудлигини текширишни ўз ичига олган СЭБ миллий амалиёти, режалаштириш амалиёти ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган режалар ва дастурларнинг мазмуни учун энг мос бўлган СЭБ усуллари ва услубларини аниқлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.



# Сифатни назорат қилиш тизимини яратиш ва амалга ошириш

- СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш идоралари СЭБ ҳисоботи тўғрисида хулоса бериши кераклиги таъкидланган. Бу ҳолат сифат назорати тизимининг элементи сифатида қабул қилиниши мумкин.
- 
- Шунингдек, жамоатчилик иштироки сифатни назорат қилишнинг маълум бир шакли сифатида қаралиши мумкин
- Бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, самарали сифат назорати учун кўрсатма/сифат назорати критерийларига эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин.

# СЭБ жараёнлари тўғрисида маълумот алмашишни таъминлайдиган механизм/платформанинг мавжудлиги

- СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳасида СЭБга оид ҳужжатларни, шу жумладан қуйидагиларни чоп этиш учун СЭБ бўйича электрон рўйхатни тузиш таклиф қилинган:
  - Стратегик ҳужжат лойиҳаси ва якуний матнит;
  - СЭБ натижалари қай тарзда ҳисобга олинганлиги тўғрисида тушунтириш хати;
  - Дастлабки баҳолаш билан боғлиқ ҳужжатлар;
  - Экологик ҳисобот кўламини белгилайдиган техник топшириқ;
  - СЭБ натижалари;
  - Мониторинг билан боғлиқ ҳужжатлар.
- Бундай рўйхатни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш қийин жараён.
- Рўйхатнинг дизайни, функциялари ва техник хусусиятлари тўғрисида муҳокамалар СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича муҳокамалар билан бир вақтда бошланиши керак

# СЭБ амалиётини жорий қилиш учун эҳтиёжлар

- СЭБ «яшил» иқтисодиётга ўтишни қўллаб-қувватлаш ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш учун ўз имкониятларини исботлади
- Унинг қўлланилиши 2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясига эришишда ёрдам бериши мумкин (шунингдек, стратегик режалаштиришнинг янада самаралироқ бўлишига улишини қўшиши мумкин)
- СЭБ тизимини жорий этиш ва ривожлантириш СЭБ тўғрисидаги қонун лойиҳасини яқунлаш ва кучга кириши билан чамбарчас боғлиқ
- Шунингдек,
  - СЭБ тизими учун самарали институционал асос ўрнатилиши керак
  - СЭБни қўллаш тамойиллари, унинг фойдалари ва харажатлари тўғрисида барча манфаатдор томонларнинг хабардорлигини ошириш керак

Эътиборингиз учун раҳмат

